


Чиройли гумон қилинг!



10:30 / 25.10.2021 2013

Ибн Асокир роҳимахуллоҳ ўзининг «Тарихи Димашқ» номли китобида шундай ёзади:

«Суҳайл ибн Аби Ҳазм айтади:

«Молик ибн Динор роҳимахуллоҳ вафот этганидан сўнг уни тушимда кўрдим. Ундан: «Роббингизга нима олиб бордингиз?», дея сўрадим.

У киши деди: «Кўп гуноҳларни олиб бордим. Роббимга бўлган чиройли гумоним туфайли Роббим у гуноҳларимни кечиб юборди».

Аллоҳга нисбатан чиройли гумонда бўлайлик. Аллоҳга қасамки, қалб Аллоҳга бўлган чиройли гумондан яхшироқ нарсани ўзида сақлай олмайди. Қалбимиз чиройли гумон билан тўла бўлсин.

Билгинки, Сахий зот молик бўлса авф қилади. Сен вафот қилиб, кафанланиб қабрга қўйилиб, устингдан тупроқ тортилар экан, демак сен ўзинг сажда қилиб юрган Сахий зот ҳузуридасан. Сен мана шу Сахий зотнинг розилигини истаб садақа қилар эдинг. Мана шу Сахий зот менга юмшоқ муомала қилсин деб кишиларга юмшоқ муомалада бўлар эдинг. Мана шу Сахий зот сенга раҳм қилиши учун кишиларни кўнглини олар эдинг. Сен мана шу Сахий зот учун қабрдан кўрқар эдинг. Ким кўрқса омонда бўлади. Ҳа, омонда бўлади...

Сен Сахий зотнинг мулкидасан. Гумонинг чиройли бўлсин.

Мўъмин Аллоҳнинг ҳузурига қайтса худди мусофир уйига қайтгани каби бўлади. Роббингга нисбатан гумонинг доимо ана шундай бўлсин. Ўзининг муҳаббати ила лиқ тўла қалбни азоблашдан Аллоҳ юқори туради. Ақлли бир инсон ўз аҳбобларини азобламайди. Аллоҳга нима дейсан?!

Ҳеч шак қилма, албатта сўроқ пайтида собит туриб «Роббим Аллоҳ», «диним Исломи», «Набиййим ва Расулим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам» деб жавоб берасан иншааллоҳ! Зеро, қалб даъват қилган нарсасини нутқ қила олади. Идиш эса ичидаги нарса билан бирга ёнади, пишади. Аллоҳ Ўзининг муҳаббати ила тўла қалбни тутилиб қолишига йўл қўймайди. Роббинг ҳақида чиройли гумонда бўл!

Ҳеч шак қилма, албатта номаи аъмолингни ўнг тарафингдан оласан. Аҳлинг ва фарзандларинг олдида хурсанд бўлиб келиб: «Мана китобим, ўқинг!», дейсан. У китоб намозга, рўзага, садақаларга, истиффорга, кўнгил олишга тўла бўлади. Аллоҳ уни соҳибининг ўнг томонидан беради иншааллоҳ! Роббинг ҳақида чиройли гумонда бўл!

Ҳеч шак қилма, гуноҳинг бўлсада албатта сирот кўпригидан енгил ўтасан. Ҳар сафар гуноҳ қилганингда надомат қилганингни унутдингми? Истиффор айтганингни, синиқ бўлиб қолганингни унутдингми? Буларни Аллоҳ зое қилмайди иншааллоҳ! Роббинг ҳақида чиройли гумонда бўл!

Ҳеч шак қилма, сен албатта ҳисоб-китоб қилинмасдан, азоб берилмасдан жаннатга кирасан. Албатта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларидан сув ичасан. Сўнгра абадул-абад чанқамасан. Буларнинг баридан сўнг албатта Роббинг юзига боқасан. Бундан гўзал ва бундан афзал нарса бўлмайди. Роббинг ҳақида чиройли гумондан бўл!

Абдулқодир Полвонов